

РОССИЯ ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИДА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ: ЖУРНАЛИСТ ЁНДАШУВЛАРИНИНГ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛИ

Нодира Зохилова,

ЎзМУ ва ЎзЖОКУ катта ўқитувчиси, PhD

e-mail: nzoxitova@gmail.com

Аннотация. *Миграция жараёнларини массмедияларда, шу жумладан интернет нашрларида самарали ёндашувлар асосида ёритиши турли мамлакатларда ҳамда глобал миқёсда муҳожирларга бўлган муносабатга, ушбу соҳага оид ҳукуматлар, халқаро ташиқлотлар томонидан қабул қилинадиган қарорларга бевосита таъсир этади. Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи интернет нашрларининг бу борада тўплаган тажрибаси, ушбу мавзунинг ёритишидаги ёндашувлар, журналистларнинг нуқтаи назари танқидий таҳлил этилган. Россия Федерацияси эмигрант ва иммигрантлар миқдори бўйича дунёда етакчи ўринларни эгалловчи мамлакат ҳисобланади. Россиянинг “Аргументи и факти” ҳафтаномагининг «Aif.ru», “Известия” газетасининг «Iz.ru» интернет саҳифалари ва “Lenta.ru” сайти миграция мавзусидаги материаллар сон жиҳатидан энг кўп чоп этиладиган ҳамда муаммонинг турли нуқтаи назардан ўрганувчи интернет нашрлар ҳисобланади. Тадқиқот давомида Россия нашрларида “нафрат тили”дан кенг фойдаланиши, бунда муаллифлар ҳиссиётга ўта берилишлари, толерантлик тамойилига риоя этилмаслиги аниқланган.*

Калим сўзлар: *Ўзбекистон, Россия, меҳнат муҳожирлари, миграция, иммиграция, интернет нашрлар, масс медиа.*

Abstract. *Effective coverage of migration processes in the mass media, including internet publications, has a direct impact on the attitude towards migrants in different countries and on a global scale, as well as the decisions taken by governments and international organizations in this area. This article critically analyzes the experience of the leading Internet publications of Uzbekistan and Russia, the approaches to covering this topic, and the journalists' point of view. The Russian Federation is the leading country in the world in terms of the number of emigrants and immigrants. "Aif.ru" of the Russian "Argumenti i fakti" weekly, "Iz.ru" of the "Izvestia" newspaper and "Lenta.ru" website are the most widely published materials on migration and study the problem from different perspectives. In the course of the research, it was found that*

the Russian publications use the "language of hate", the authors are emotional, and the principle of tolerance is not observed.

Key words: *Uzbekistan, Russia, labor migrants, migration, immigration, internet publications, mass media.*

КИРИШ

XXI аср бошида глобаллашув натижасида жаҳон миқёсида иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар ҳамда ахборот жараёнлари жадаллашиб, инсонлар турмуш-тарзини ўзгаришига таъсир этди ва глобал миқёсда миграция жараёнини юзага келтирди. Ушбу жараён мазмуни, миқёси ва оқибатларига оид маълумотларни оммавий ахборот воситалари (ОАВ) орқали кенг оммага етказиш воқеликка айланиб улгурди. Айниқса, кейинги ўн йил давомида миграция масалаларини ёритишда интернет нашрларнинг ўрни ва аҳамияти кескин ортди. Бу маънода иммигрант ва эмигрантлар мамлакати интернет нашрларининг миграция мавзусига бўлган ёндашувини таҳлил этиш муҳим саналади.

Охириги 30 йил давомида жаҳон миқёсида кечган миграция жараёнлари доирасига совет империяси парчаланиши натижасида юзага келган янги давлатларда катта миграцион оқимлар шаклланиши ҳисобига сезиларли тарзда кенгайган. Масалан, Россия Федерацияси жаҳон миқёсида муҳожирлар кўп истиқомат қилувчи давлатларнинг биринчи учлигига киради. Мамлакатдаги меҳнат муҳожирларининг асосий қисмини МДХ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатлари фуқаролари ташкил этади. Шу сабаб миграция мавзуси Россия интернет нашрларида кўп мурожаат этиладиган мавзулардан биридир. Ушбу мавзудаги материаллар орасида меҳнат муҳожирлари масаласига бағишланган чиқишлар асосий қисмини ташкил этади. Россиялик тадқиқотчилар томонидан ОАВда миграция масалаларини ўрганиш бўйича илмий ишлар кўпроқ 2011–2012 йилларда амалга оширилган. “Росстат”нинг маълумотларига кўра, айнан шу йилларда Россияда муҳожирлар сони аввалги даврларга нисбатан кескин ўсган ва “миграция салдосининг энг юқори кўрсаткичи ушбу даврга тўғри”[1] келган. Мамлакатнинг “ФОМ”(Фонд Общественное Мнение) томонидан миграция мавзусида энг кўп ўтказилган социологик сўровлар ҳам айнан 2012 йилга тўғри келган. Ушбу мавзу юзасидан 2012 йил давомида 7 та социологик сўров ўтказилган бўлса, 2018–2019 йилларда биттадан ижтимоий сўровлар ўтказилганини кўриш мумкин. “Социологларга ва мустақил сўровларга кўра, 2018 йили “россияликлар орасида ксенофобия кескин

кучайган”[2]. Рус тадқиқотчиси А.В.Гришинанинг ёзишича, “Замонавий рус жамиятида аҳолининг катта қисми меҳнат муҳожирлари билан алоқа қилмайди, шу сабабдан аҳолининг муҳожирларга нисбатан этник муносабати айнан ОАВ орқали шаклланади”[3]. Н. Аблажейнинг фикрича, “Рус ўқувчиси муҳожирларга нисбатан салбий муносабатда, бунга сабаб уларга доимо ушбу муаммо мураккаблиги ва ечимсиз эканлиги эслатиб турилганлигидир”[2]. Социология фанлари номзоди О.В. Сараеванинг қайд этишича, “ОАВда меҳнат муҳожирларига нисбатан икки хил муносабат мавжуд, биринчиси – муҳожирларнинг ўз юртида шароит йўқлиги ва Россияда дуч келадиган муаммолари; иккинчиси – гастарбайтерларнинг қолоқ, маълумотсиз эканлиги”дир[4]. Доцент П.М.Федоровнинг хулосасига кўра, “интернет нашрларда миграция мавзуси кун тартибидаги масалалардан бўлиб, уларда муҳожирларни ўз ижтимоий гуруҳларига таҳдид сифатида кўриш шаклланган”[4]. Тадқиқотчи психолог И.Абакумова таъкидлаганидек, “Мигрантларга нисбатан салбий муносабат... эҳтимол, ОАВ таъсирида шаклланади”[5]. Европа мамлакатларида фаолият юритувчи ўзбек тадқиқотчиларининг фикрича, “Россия медиаси ирқчилик атамаларидан кенг фойдаланади”[6].

МЕТОД ВА МАТЕРИАЛЛАР

Тадқиқотни ўтказиш давомида Россиянинг “Aif.ru”, “Iz.ru”, “Lenta.ru” интернет нашрларининг 2013-2020 йиллардаги миграция мавзусига доир 170га яқин материалдан фойдаланилди. Ушбу нашрларда миграцияга доир материаллар доимий бериб борилади. “LiveInternet”нинг статистикасига кўра, ушбу сайтлар аудитория қамрови кенглиги бўйича юқори ўринларни эгаллаб келади[7]. Табиийки, уларда чоп этилган материаллар ўқувчилар аудиториясининг онгига ва бу орқали тегишли жамоатчилик фикрининг шаклланишига bevosita таъсир этади. “Aif.ru”, “Iz.ru” анъанавий газеталарнинг интернетдаги саҳифаси бўлса, “Lenta.ru” соф ҳолдаги интернет нашрдир. Тадқиқот давомида катта аудиторияга эга бўлган ҳамда миграция мавзусига кўп мурожаат қиладиган Ўзбекистоннинг “Kun.uz”[8], “Daryo.uz”[9], “Xabar.uz”[10], “Qalampir.uz”[11] каби интернет нашрларнинг 2015-2020 йиллардаги миграция мавзусига доир 300га яқин материаллари ўрганилди. Ушбу нашрлар кўплаб бошқа нашрлар мурожаат қила олмайдиган мавзуларни олиб чиқиши ҳамда доимий равишда муҳожирлар ҳаётидаги муҳим ва долзарб муаммоларни ёритиб келадигани билан аҳамиятли. Шунингдек, тадқиқотда “Халқ сўзи”[12] газетасининг интернет саҳифаси материалларидан фойдаланилди. Ушбу

материалларни ўрганишда контент-таҳлил, структуравий таҳлил, кузатиш, қиёслаш ҳамда умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Л.Гудковнинг тадқиқот натижаларига кўра, “Россияда муҳожирларга нисбатан бағрикенг ва хайрихоҳ муносабат 1980 йилларнинг охирига келиб салбий томонга ўзгарган, 1990–2000 йилларда эса янада кескин тус олган”[13]. Сўнгги 20 yillikda Россия ОАВда муҳожирлар мавзуси тенденцияси деярли ўзгармаган. “2001–2002 йилларда федерал ва регионал ҳудудларда ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, “нафрат тили” Кавказ халқларига, осиеликлар ва мусулмонларга қаратилган. Этник жиҳатдан эса рўйхатни чеченлар, арманлар, озарбайжонлар... давом эттиришган”[14]. ОАВда Кавказорти мамлакатларига нисбатан салбий ёндашувдаги материаллар кескин қисқарган. Мазкур ҳолат бевосита уларнинг сони қисқаргани билан ҳам боғлиқ. Унинг ўрнини тўлиқлигича Ўрта осиеликлар ҳақидаги материаллар эгаллаган (вахоланки, шу вақтга қадар ҳам Ўрта осиеликлар мавзуси эътиборда бўлган). Интернет нашрларида эса мусулмон муҳожир, қочоқларга қаршилик тенденцияси ҳали ҳануз ўз долзарблигини йўқотмаган.

Тадқиқот давомида ОАВ воситасида ксенофобия сўнгги ўн йилликда, асосан, Марказий осиеликларга қаратилгани маълум бўлди. Бунга тарихий омиллар натижасида узоқ йиллар давомида уларга нисбатан шаклланган “қолоқ”, “маданиятсиз”, “қўй”, “балиқ” ва шу каби стереотиплар сабаблардан бири бўлиб хизмат қилган ва ушбу жараёнда ОАВнинг ўрни сезиларли даражада намоён бўлган. Молдова, Украина каби мамлакатлардан келган мигрантларга нисбатан муносабат эса нейтрал ёки ижобийлигини кўриш мумкин. 2012 йилда ФОМ”нинг россияликлар ўртасида ўтказган сўровномасига кўра, 56 % респондентлар Марказий Осиедан келган муҳожирлар билан бир ҳудудда яшашни истамасликлари маълум бўлган. Респондентларнинг 16 % ижобий, 23% эса нейтрал муносабатни ифода этганлар”[15].

“Аргументы и факты” [16]газетасининг “Aif.ru” интернет нашридаги материалларда Россияда муҳожирларни қабул қилиш тизими кучайтирилиши лозимлиги таъкидлаб келинади. Журналистларнинг шу каби таклиф-тавсияларида асосий эътибор мусулмон муҳожирлар ташрифини чеклашга қаратилганини пайқаш мумкин. Россия интернет нашрларида яна муҳожирларни жиноят билан боғлаб тасвирлаш ҳолатлари мавжуд. Масалан, “Гастарбайтер орзуси. Нега БААда терактлар йўқ?”[17] номли материалда қирғизистонлик собиқ гастарбайтер томонидан Петербург метросида содир этилган теракт яна такрорланмаслиги учун БААнинг тажрибасини ўрганиш кераклиги ҳақида фикр

билдирилади. Бундан мамлакатда содир бўлаётган терактлар, жиноятларнинг асосий сабабчилари муҳожиралик деган хулоса келиб чиқади. Материалда БААда филиппинлик ишчиларга бўлган талаб юқорилиги таъкидланади. Журналист бунга, “Жавоб оддий – филиппинликларнинг аксарияти насроний, шунинг учун улар бинога бомба олиб крмайдилар” дея изоҳ беради. Бунда, асосий салбий муносабат барча муҳожиралик эмас, балки айнан мусулмон муҳожираликка қаратилганини кўриш мумкин. Бу каби ёндашув ўқувчилар орасида исломофобиянинг шаклланишига замин яратади. Матндаги кейинги фикрларда эса муаллиф диққати Россияда фаолият юритаётган Марказий осиелик меҳнат муҳожираликка қаратилади. Шу тариқа Россиядаги муҳожираликка қўйиладиган талабларни кучайтириш лозимлиги, фуқаролик берилмаслигига ишора қилинади. Миграция хусусида ёзилган кўплаб материаллар каби ушбу мақола мазмунида ҳам огоҳлантириш руҳи устунлиги кузатилади.

Ушбу мақоланинг муаллифи Г.Зотовнинг яна бошқа бир материалида [18] Венгрия тажрибасига мурожаат қилинади. Муаллифга кўра, Венгрия Яқин Шарқ мамлакатларидан келган меҳнат муҳожираликка қабул қилмаслиги, Шарқий Европа мамлакатлари муҳожираликка афзал билиши таъкидланади. Россия ҳам Ўрта осиелик меҳнат муҳожираликка ўрнига Сербия, Украина каби давлатлардан келган муҳожираликка меҳнатига мурожаат қилиш лозимлиги айтилади. “Aif.ru”нинг “Хаммани – назоратга!” [19] сарлавҳали мақоласида: “Муҳожираликнинг қонуний киришини кескин равишда чеклаш, уларни қабул қилишни тўхтатиш, биринчи навбатда, Марказий Осие билан виза тартибини жорий этиш керак”лиги таъкидланади. Ушбу фикрдан аён бўладики, муаммо нафақат ноқонуний миграцияда, балки муҳожираликнинг миллатида.

Россиялик олима Т.Г.Скрёбцованинг 2015 йилда эълон қилган илмий мақоласида [20] ҳам Россия интернет нашрларида чегараларни ёпиш, виза тизимини жорий этиш зарур эканлиги ҳақидаги фикрларга урғу берилган. 2020 йилда ҳам ушбу қарашлар ўзгармаганини кўриш мумкин. Сўнгги йилларда “aif.ru” меҳнат муҳожираликка миқдорини камайитириш учун нафақат назоратни кучайтириш, балки муҳожираликка банд қилиб турган иш ўринларига россияликларни жалб этиш, бунинг учун уларга етарли ойлик маош тўлаш ва шу орқали миграцияни камайитириш мумкинлиги хусусидаги қарашларини илгари сурмоқда.

Нашрининг “Мигрантлар, уйларида. Россия қайси чегараларни ва ким учун ёпиши даркор?” номли яна бир материалида [21] ҳам худди шундай ёндашув кузатилади. Сарлавҳанинг ўзидаёқ муҳожираликка нисбатан “нафрат тили”дан фойдаланилган. Илк жумлаларда “жиноятчилик”, “терроризм”, “зўравонлик”

каби баҳоловчи стереотиплардан фойдаланилган. “Ривожланган мамлакатлар энди ҳал қила олмаяптилар... Россияда аҳвол яхши, лекин экспертлар ортиқча суюнмасликни маслаҳат берадилар, муаммолар эндигина тўпланмоқда”.

Мақоладаги ушбу сатрларида, ҳатто иқтисодий ривожланган мамлакатлар муҳожирларни қабул қилиб олиш борасида ожиз бўлиб қолганликлари, Россия эса иқтисодий жиҳатдан уларчалик кучли эмаслиги, агар ушбу муаммога дуч келса, уни ҳал қила олмай қолиши мумкинлигига урғу берилган. Муҳожирлар хавф сифатида тасвирланиб, миграцияга бағишланган материалларда кўп учрайдиган таҳдид қилиш усули қўлланилган. Материал тагсарлавҳасида ҳам рус ОАВда кўп қўлланиладиган “понаехали” (“кўпчилик бўлиб келишди”) феълидан фойдаланилган. Материалнинг асосий ғояси ҳар қандай йўл билан бўлса-да муҳожирларнинг мамлакатга ноқонуний киришини чеклаш зарурлиги хусусидаги фикрда мужассамланган. Материал таркибида сўнгги йилларда муҳожирлар томонидан содир этилган энг ваҳший жиноятлар дея суратлар ҳам тақдим этилган. Ушбу суратларнинг тагматнининг барида муҳожирларнинг миллатига алоҳида урғу бериб ўтилган. Бундан муҳожирлар хусусидаги кўплаб мақолаларда улар томонидан содир этилган жиноятларни хотирлайвериш Россия интернет нашрларига хос бўлган жиҳатдир деган хулоса чиқади. Ноқонуний миграция сўзсиз салбий ҳолат, аммо ОАВнинг вазиятга бир тарафлама ёндашиши улар томонидан ҳолислик тамойили бузилишига замин яратади. Мақоланинг хулоса қисмида “муҳожирлар туфайли эпидемия”, уларнинг “меҳнат бозорига салбий таъсир”, “... энг муҳими жиноятчиликнинг ўсиши ва исломлашувнинг тарқалиши” каби стереотип қарашлар яна қўлланилган.

Нашрда чоп этилган яна бир материалда[22] Россия келажаги мусулмонлар кўлида қолиб кетаётгани, Ғарбий Европада содир бўлаётган жараёнлардан вақтида ўртак олиш кераклиги таъкидланади. Муҳожирларга хавфли меҳмонлар (опасные гости), балки улар орасида террористик ташкилотларга аъзолари бордир, дея ўта салбий бўёқдаги таъриф берилади. Шу тариқа мақола муаллифи ҳиссий манипуляциядан фойдаланади. Аслида эса Россиянинг маҳаллий аҳоли орасида ҳам бундай ташкилотга аъзолари йўқ эмас. Аҳолининг асосий қисмини православ насронийлар ташкил этадиган мамлакатда ОАВда исломни жиноятчилик билан ёнма-ён қўйиш, уларнинг қадриятларига бошқа бир қора “бўёқлар”да тасвирланган диннинг “соя” солаётганлигини таъкидлайвериш жамоатчиликда “исломофобия”нинг шаклланишига, мусулмон муҳожирлардан хавфсирашнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу маънода сиёсий тадқиқотчи В.Манапова “Исломофобик кайфиятнинг тарқалишида ва рус

жамиятининг исломлашиб кетиши кўрқувини пайдо қилишда... ОАВ ўз ҳиссасини қўшади”[23] – деб, тўғри таъкидлайди.

Айнан шундай ёндашув “Ислам и слом. Какие угрозы несёт исламская миграция Европе и миру”[24] сарлавҳали мақолада ҳам қўлланилган. Мақола Европа мамлакатларининг исломлашиш муаммосига бағишланиб, унда ушбу жараён кескин хавф сифатида баҳоланган. Муаммо мақолада “Инқирознинг келиб чиқиши”, “Биринчи тўлқин”, “Сиз бизга мажбурсиз”, “Сиёсат босқини” каби қисмларга бўлинган ҳолда ўрганилган. Қисмларининг номланишида ҳам “босқин”, “инқироз”, “тўлқин” каби салбий маънодаги сўзлардан фойдаланилган.

Мақоланинг “Инқирознинг келиб чиқиши” номли биринчи қисмида муҳожирлар илк бора Европага сиёсий сабабларга кўра эмас, балки яхши ҳаёт, иш, сифатли таълим имкониятлари юқорилиги учун ташриф буюришган деб фикр юритилади. Ушбу фикр орқали муаллиф айни дамда муҳожирлар Европага нафақат иқтисодий, балки сиёсий мақсадларга кўра ташриф буюришаётганига урғу берган, бироқ, ушбу фикрини тасвирлаш ва тасдиқлаш учун ҳеч қандай асос ёки далилни келтирилмаган. Мақоланинг иккинчи қисмида илк муҳожирларнинг Европа мамлакатларига келишларидан ҳар икки томон манфаатдор бўлганлиги эътироф этилган. Бироқ, вақт ўтгач Европа мамлакатлари туб аҳолиси оилалари 1–2 фарзандли бўлганлиги, муҳожирлар эса кўп фарзандли бўлиб, давлатнинг сахий ижтимоий ёрдамларидан кенг фойдаланганликлари натижасида муаммолар бошланганлигини муаллиф истехзо билан таъкидлайди. Муаллифнинг ушбу нуқтаи назар унча тўғри эмас, зеро Европа аҳолисининг ҳам хоҳлаганча фарзандли бўлиши учун давлат томонидан ижтимоий кўмаклар талайгина. Ушбу қисм матнининг давомида муҳожирларга нисбатан “нафрат тили” ёрқинроқ намоён бўлиб боради. Хусусан, муаллиф мусулмон муҳожирлар яшайдиган шаҳар ҳудудини танқидга олиб, “мусулмонлар гетто”си иборасини қўллайди.

“Гетто” сўзи Кембридж ва Оксфорд луғатларига кўра, шаҳар ҳудуди айниқса шаҳарнинг камбағал қисми, ирқи ва диний келиб чиқишига кўра ажратилган қисми деган маъноларни билдиради. Шунингдек ушбу манбаларда илк ўрта асрларда шаҳарнинг яҳудийлар яшаш қисми ҳам шундай номлангани қайди этилган. Иккинчи жаҳон уруши даврларида эса яҳудийларни қириш лагерлари шу ном билан аталган. Ушбу сўзнинг луғавий маъноси ва тарихидан келиб чиқиб фикр юритсак, у ҳар томонлама салбий маъно ва хатто, камситиш мазмунини ўзида жамлаганини кўришимиз мумкин. Аслида муаллиф унинг ўрнига “мусулмонлар ҳудуди”, “мусулмон аҳолиси яшайдиган қисми” каби сўз

бирикмаларини қўллаши мақсадга мувофиқ эди. Материалда “ҳудуд” сўзини “шариат ҳудудлари” ибораси таркибида берилиши ҳам ўқувчи онгига салбий таъсир кўрсатади.

Муаллиф мақоланинг учинчи қисмида, муҳожирларнинг ҳозирги авлодида миннатдорлик ҳисси йўқ эканлиги, улар ёпиқ шариат муҳитида катта бўлганлиги, Европа урф-одатларини қабул қилишни истамайдиган кишилар эканлиги ва улар радикалларнинг осон ўлжасига айланишини таъкидлаган. Муаллифнинг бундай хулосага келиш сабаблари матнда акс этмаганлиги унинг тахминлари айблов мазмунида бўлиб қолганлигини ёрқин кўрсатади. Матн давомида Европа бу борада аллақачон назоратни қўлдан чиқаргани таъкидланади. Франциядаги имомларнинг аксарият қисми Францияда эмас, Туркия, Араб мамлакатларида таълим олганлиги айтилган ва бу тўғрида маълумотлар ҳам келтирилган. Бироқ, муаллиф нега Францияда таълим олган имомларнинг улуши кам, бунга қандай омиллар тўсиқ бўлаётганини ўрганмаган. Шу сабабли ҳам муаллиф “уларнинг қандай ваъзларни ўқиётганларини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳеч қандай “республика кадриятлари” ҳақида гап ҳам йўқ” каби ўта эҳтиросли фикрларини баён этган. Ваҳоланки у “Краткий словарь историко-литературных понятий и терминов по исламу”[25] ёки бошқа манбаларга мурожаат этганида, имомнинг вазифаси Қуръон ва суннатни тарғиб этиш ва тушунтириб бериш эканлигини, бирон-бир имом нутқида “республика кадриятлари” бўлмаслигини англаган бўлар эди.

Мақоланинг тўртинчи қисмида мусулмон муҳожирлар “хавфли меҳмонлар”, “юк” деб номланган. Баъзи муҳожирларни деб ҳали ҳеч қандай айбдорлиги исботланмаган барча мусулмон муҳожир ва қочоқларга “хавфли”, “юк” каби сўзларни қўллаш журналистика касб этикасига ҳам, халқаро ташкилотлар муҳожир ва қочоқлар мавзусини ёритиш бўйича берган тавсияларига ҳам тўғри келмайди. Мақола муаллифи В.Костиков кейинги навбатда Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатлари муҳожирларни насронийлик динини қабул қилсалар ёки ўша мамлакатнинг кадриятларига амал қилсаларгина қабул қилишлари ва бу қоидаларни ўзида қўллаётган мамлакатлар сони ортиб бораётганини таъкидлаган. Ушбу мисол материалда Россиядаги муҳожирлар масаласи учун бир ечим, таклиф сифатида хизмат қилган.

Мақоланинг хулоса қисмида Россия ҳудудининг катталиги, туғилиш камлиги, ишчи кучи етишмаслиги каби масалалар мавжудлиги туфайли ҳозирча муҳожирларни қабул қилиб олиш ёки қабул қилмаслик хусусида муаммолар йўқлиги, аммо шунга қарамай Европадаги фожиали вазиятдан вақтида хулоса чиқариш лозимлигини таъкидланган.

Умуман, Россия интернет нашрларида хориждаги миграция жараёнлари ҳусусидаги материаллар ички миграция жараёни билан таққослаб, боғлаб кўрсатилади. Бу орқали ҳукуматни муҳожирларга нисбатан чора-тадбирлар кўришга, аудитория эса огоҳликка чақирилади. Бир жиҳатдан журналистларнинг муҳожирлар борасидаги бу каби ҳавотирини тушунса бўлади, чунки диний қарашлар доимо аҳамиятли бўлган ва ҳимоя қилиб келинган. Бироқ, “мусулмонлар Европа аҳолисининг 4,9 %ни ташкил этадилар”, холос[26].

Россия ҳукумати ташвишга солаётган ҳолатлардан бири мамлакатдаги демографик инқироздир, шу сабабли мусулмон муҳожирлар сонининг ортиши мамлакатнинг “исломлашиши”га олиб келиши, Россия ва Европа мамлакатлари мусулмонлар “кўлида” қолиб кетишини хавф сифатида тасвирлаш орқали аудитория онгига таъсир қилишга ҳаракат қилинади. Шу билан биргаликда “aif.ru” интернет саҳифаси аҳолининг туғилиш даражасини кўтариш, мамлакатдаги демографик вазият, кўп фарзандлиликка бағишланган материаллар”[27] бериб боради.

Россия интернет нашрларида қочоқлар масаласи ҳам кенг ёритилади. “Aif.ru” Европадаги, хусусан, уларни энг кўп миқдорда қабул қилаётган Германиядаги қочоқлар билан боғлиқ вазиятга нисбатан салбий ёндашувдаги материаллар”[28] ни бериб боради. Бундай мазмундаги материалларда қабул қилаётган мамлакатларнинг келажаги аянчли эканлигига урғу берилади ва бу орқали ўқувчида қочоқларга нисбатан салбий муносабатни шакллантиради.

А. Сидорчик муаллифлигидаги материал[29] ҳам шулар сирасидан бўлиб, унда ҳар бир жумла нафақат қочоқлар инқирози даврида Германияга ташриф буюрган қочоқларга, балки у ерда истиқомат қилиб келаётган мусулмон диаспорасига нисбатан ҳам аудиторияда кўрқув пайдо бўлишига сабаб бўлади. Россия интернет нашрларидаги бу каби материаллар Германиядаги аҳоли фикрига таъсир этмайди, деб бўлмайди. Маълумки, Германияда хусусан, собиқ ГДР ҳудудида жуда кўплаб рус миллатига мансуб бўлган кишилар истиқомат қилади. Улар рус тилидаги интернет ОАВ материалларини кузатиб борадилар, ўқиганларини яқинлари, атрофдаги кишилари билан бўлишадилар. Шу боис Россия интернет нашрларидаги қочоқлар маасаласига бағишланган материалларнинг мазмун-моҳияти аслида минглаб қочоқларни қабул қилиб олаётган Германия ва шу каби мамлакатларнинг массмедияларида бериладиган материаллардан кўра анчагина салбий характерга эга. Италиянинг “La Stampa” нашри Европадаги қочоқлар инқирози даврида Россия ОАВнинг ушбу масалага бўлган муносабати ҳақида шундай дейди: “Россия ОАВлари муҳожирларга қарши ташвиқот ишларини олиб боришмоқда”[30].

COVID-19 пандемияси шароитида эса Россияда омма тарафидан муҳожириларга кескин салбий муносабат юзага келди: улар касаллик ташувчи сифатида кўрилди. Шундай ҳолатда ОАВнинг муайян ёндашуви вазиятни юмшатиши ёки янада кескинлаштириб юбориши мумкин. “Каравансарай” сайти ушбу даврдаги Россия ОАВ ёндашуви ҳақида “Россия ОАВ муҳожириларга нисбатан нафрат уйғотишга ҳаракат қилдилар”[31] деб баҳо берган.

“Aif.ru” нашрида пандемия ҳолатида меҳнат муҳожирилари ҳаёти, коронавирус ва миграция билан боғлиқ материаллар сони 2020 йил июнь ойи ҳолатига кўра 3тани ташкил этган. Улар орасида ижобий ёндашувдагиси ҳам мавжуд бўлиб, унда[32] муҳожирилар билан суҳбат орқали бу даврда улар ишсиз ва пулсиз қолгани, касалликка чалинган мигрантларга тиббий ёрдам кўрсатилмаётгани ёритилган. Шу билан бирга, “aif.ru”да чоп этилган миграция мавзусидаги барча материалларни салбий деб бўлмайди. Улар орасида нейтрал ёндашув асосидагилари ҳам мавжуд[33]. Ушбу материалларда муҳожириларга кўрсатилаётган ёрдам, уларнинг яхши ишга эга бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. Яна бир материалда[34] муҳожирилар иқтисодий ва ишлаб чиқарувчилар учун фойдали эканликлари, Россияга ҳақиқий ишлаш ниятидагилар келиши, муҳожирилар маҳаллий аҳоли ойлик маошининг миқдорига эга бўлиши мумкинлиги, мамлакат ичида иш кучига бўлган талабга таъсир ўтказмаслиги хусусида фикр юритилган. Бундай мазмундаги материаллар асосан хабар ёки янгилик кўринишида бўлади.

“Aif.ru”да берилган материаллар сарлавҳаси кўп ҳолларда савол билан ифодаланади. Юқорида таҳлилга тортилган мақолаларнинг 3/2 қисмида сарлавҳа шу усулда берилган. Умуман олганда, ушбу ресурсда миграция мавзусига бўлган ёндашув ва тенденция сўнгги беш йил давомида ўзгармаган. Материаллар мазмуни деярли бир хил: муҳожирилар жиноятчилик, терроризмнинг асосий кучи, мусулмон муҳожирилар хавфи, мамлакатга уларнинг киришини кеч бўлмасдан чеклаш лозим. 2019 йил якунида миграция мавзусидаги материаллар сони нисбатан камайган ва баъзи кам сонли материалларда нейтрал ёндашув қўлланилган. “Aif.ru” нашрида муҳожирилар мавзусида журналистларнинг ихтисослашуви кўзга ташланади. Масалан, Георгий Зотов, асосан, Европадаги иммиграция жараёнларини, Наталья Кожина эса эмигрантлар мавзусини ёритиб келадилар. 2019 йилдан бошлаб “Aif.ru” интернет нашрида маҳаллий аҳолини муҳожирилар ишлаб турган “қора” ишларга жалб этиш зарурлиги, бунинг учун эса унга юқори маош тўлаш лозимлиги таъкидланган материаллар сони кўпайган.

“Известия” [35] газетасининг “Iz.ru” интернет нашри миграция мавзусини ёритишда “Aif.ru”га нисбатан нейтрал позицияни намоён қилади. Масалан, Президент В. Путин 2020 йилда Россия Конституциясига ўзгартириш киритилиши муносабати билан қилган чиқишида миграция масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Шу муносабат билан “Iz.ru” “Путин заявил о заинтересованности России в притоке мигрантов” сарлавҳаси остида берилган хабарда Россия етакчисининг ёш ва ўқимишли муҳожирларга нисбатан қизиқиш билдириши ва ўз уйида маҳаллий аҳоли вакилларининг ҳуқуқлари бузилмаслиги ҳақидаги фикрларига алоҳида тўхталинган. “Aif.ru” ҳам Путиннинг ушбу нутқи асосида “Зачем России мигранты?” номли материални эълон қилган. Унда муҳожирларнинг туб аҳоли вакилларига ҳалақит бермаслиги билан бирга миллати рус бўлган, рус тилли ва маданиятли кишиларнинг ташрифига қизиқиш билдирилишига урғу берилган. “Iz.ru”даги сарлавҳа мазмунида нейтраллик сақланган, “Aif.ru” эса интрига уйғотувчи савол қўйган.

“Iz.ru”да меҳнат муҳожирларининг пандемия давридаги ҳаётига бағишланган чиқишлар “Aif.ru”га нисбатан икки баробар кўп. Материалларда [36] асосий эътибор масаланинг иқтисодий жиҳатларига қаратилган, Ўрта Осиё мамлакатларининг аҳолиси муҳожирлар юборадиган пуллар ҳисобига кун кўриши таъкидланган. Пандемия туфайли пул жўнатмалари кескин қисқаргани, мигрантларнинг кўп қисми юртига қайтгани ва шунинг ҳисобига ушбу мамлакатларда “ишсизлар армияси” кўпайгани айтилган. Шу билан бирга, 2020 йил 17 июль ҳолатига кўра, муҳожирларнинг тиббий аҳволи, пандемия давридаги шароитига бағишланган материаллар мавжуд эмаслиги аниқланган.

“В мэрии Москвы не увидели роста преступности среди мигрантов во время пандемии” [37] сарлавҳали хабарда пандемия шароитида ишсизлик сабаб ҳам муҳожирлар томонидан жиноятчилик сони ўсмагани таъкидланади. Бу эса, кўп бора такрорладиган муҳожирлар жиноятчиликка қўл уради деган стереотипнинг ўзи эканлигини кўрсатади. “The New York Times” газетасининг интернет саҳифасида бу маънода “Россия ОАВ Марказий осиелик муҳожирларни исталмаган мусофирлар сифатида тасвирлайдилар... улар ишсизлик туфайли турли гуруҳлар тузиб этник русларни талон-тарож қилишдан бошқа чораси йўқ деб таъкидлайдилар” [38], – деб ёзилади.

Россия ОАВда кўзга ташланадиган жиҳатлардан бири ҳукумат қайси мамлакат билан илиқ муносабатда бўлмаса, бу ОАВда, албатта, ўз аксини топади. Масалан, “Iz.ru” саҳифаларида пандемия даврида Колумбия чегарасида қочоқ ва муҳожирлар оғир аҳволда қолгани, Америка ҳукумати ҳеч қандай

тиббий ёрдам кўрсатмагани танқид қилинади. Суриядаги қочоқлар билан ҳам шу манзара кузатилади. Бу эса, Россия ОАВ мамлакат сиёсатидан келиб чиқиб миграция мавзусига ёндашишини кўрсатади. Тадқиқотчи Р.Габдулҳақов “Россия медиаси урушдан қочаётган қочоқларга кам ачиниш билан ёндашади, бу эса ҳукуматнинг Сурияда олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларини оқлашга қаратилган”[39] лигини тўғри таъкидлайди.

Пандемия даврида Европа Иттифоқида муҳожирлар билан кечаётган вазият ҳақида “Iz.ru” шундай ёзади: “Бу дунёнинг энг бой уюшмаси – ЕИ худудида рўй бермоқда... бу ерда барча зарур воситалар, шифокорлар ва мутахассислар жамоаси, яъни вазиятни тубдан ўзгартириш учун ҳамма нарса бор. Аммо ЕИ буни қилмасликни маъқул кўрди”[40]. Ваҳоланки, Россияда ҳам карантин туфайли кўпгина Ўрта осийлик меҳнат муҳожирлари шундай вазиятда қолиб кетди. Россия ҳукуматининг уларга ёрдам кўрсатмаётганлиги ҳақида бирор таҳлилий-танқидий материал танлаб олинган нашрлар орасида учрамади. “Проблема беженцев: ООН бьет тревогу”[41] сарлавҳали материалнинг суратларида Европа чегараларидаги қочоқлар хароб ҳолда кўрсатилган бўлсалар, Россияда украиналик қочоқ аёл боласи билан алоҳида хонада, яхши шароитларда эканлиги тасвирланган.

“Lenta.ru” [42] интернет сайтнинг миграция мавзусидаги материаллари мазмуни ҳам “Iz.ru” ва “Aif.Ru” саҳифаларидаги каби эканлиги кузатилади. Хусусан, меҳнат муҳожирларининг қилган жиноятлари[43], муҳожирларнинг мамлакатдан пулларини олиб чиқиб кетишлари, маҳаллий аҳолининг иш ўрнини тортиб олаётганликлари[44], пандемия даврида меҳнат муҳожирлари туфайли жиноятчиликнинг ортиши мумкинлиги кабиларга урғу бериш шулар жумласидандир[45]. Бироқ, “Lenta.ru” ёндашувида ушбу материалларни ёритишда кескин салбий муносабат ифодаланмаган.

Ушбу нашрда Россия интернет ОАВга хос бўлмаган ижобий ёндашувдаги материалларни ҳам топиш мумкин. Пандемия даврида жиноятчилик кўпаяди деган фикрлар тарқалганда “Lenta.ru” интернет нашрида соҳа мутахассиси билан ташкил этилган интервью асосида тайёрланган таҳлилий материалда[46] вазиятни илмий асослашга ҳаракат қилинган, муҳожирлар ҳақида ижобий фикрлар берилган. Муҳожирлар ҳақида шундай ёндашувдаги “*Мы можем жить в одном дворе, но не замечать их*”[47] (2020 й.), “*Мы живем с ними в параллельных мирах*”[48] (2019 й.) каби материалларни келтириш мумкин. “*Если они, не дай бог, мусульмане – туши свет*» Почему в России не любят приезжих и мигрантов”[49] (2018 й.) материалларда Россия миграциясида ноқонуний муҳожирларнинг кўпайишига мамлакат қонунлари сабабчи эканлиги,

мамлакатда муҳожириларга нисбатан кўрқувнинг асоссиз ва кучли эканлиги эксперт билан қилинган интервью орқали очиб берилган.

“Шизоиды, социопаты, садисты. Кто режет, бьет и расстреливает мигрантов”[50] (2017 й.), “Цвет насилия. Истории мигрантов, переживших нападение в России”[51] (2016 й.) материаллари одатий материаллардан ёндашуви ва услуби жиҳатидан фарқланади. Унда мавзу нафақат сўзлар воситасида, балки суратлар орқали очиб берилган. Материалларда муҳожириларга нисбатан ксенофобик кайфиятнинг мавжудлиги, улар кўплаб ҳужумларнинг қурбонига айланаётгани, маҳаллий аҳолининг муносабати таъсирида депрессия ва кўрқувда юришлари айтиб ўтилган. Одатда Россия интернет нашрларида муҳожириларнинг қилган жиноятлари ёритиб борилади. Муҳожириларга қилинаётган зўравонликлар парда ортида қолиб кетади. Мазкур икки материалда эса муаммо тўлиқ очиб берилмаган бўлса-да, ўқувчига ҳолис манзара етказишга ҳаракат қилинган. Бундай мазмундаги материаллар ўқувчида вазиятга тўғри баҳо бериш, муҳожириларга нисбатан толерант муносабат шаклланишига хизмат қилади. Бироқ, ўрганилган онлайн нашрлар орасида фақатгина “Lenta.ru” нашрида бундай ёндашувдаги материалларни учратиш мумкин, у ҳам бўлса йилда бир бора чоп этилиши аниқланди.

2015 йилда ЕИда кечаётган миграция инқирози даврида “Lenta.ru” ЕИда энг кўп қочоқларни қабул қилиб олган Германиядаги вазият таҳлил қилинган материалларни[52] эълон қилган. Уларда ҳам мавзу талқинига “aif.ru”дан фарқли равишда нейтрал ёндашилган.

Россияда эмиграция жараёнлари 2017 йилда ўсгани кузатилди. Шу сабаб интернет нашрларда 2018 йилда “ақллилар” миграцияси мавзуси ёритилган материаллар[53] сони ҳам кўпайди. Россия интернет нашрларида эмиграция мавзусидаги материалларда мамлакатдан фуқароларнинг четга чиқиб кетаётганлигининг сабаблари, дунёнинг турли қисмларига кўчиб кетган русларнинг янги ватандаги ҳаёти ёритилган. Аксарият материалларда эмигрантларнинг аслида Россияда яхши иши бўлганлиги (“Москвада яхши ишим, Барнаулда уйим бор эди”[54], “... менинг ажойиб ишим, ҳаттоки кичик бизнесим ҳам бор эди”[55], “... Москвада юқори маошли ишини ташлаб, АҚШга кўчиб ўтди”[56]), уларнинг чет давлатлардан кўнгли у қадар тўлмаслиги (“... бу ерда ҳар қандай вазиятда ҳужжат тайёрланади... 4 соат навбатда кутдим”, “... мактабда учга ўқиса бу жуда яхши ҳисобланади... 13 ёш болаларнинг қилган иши 6 ёш боланикига ўхшайди”, “Сиз Россияда ёмон бепул тиббиёт деб ўйлайсизми? Испанияда бундан-да баттар”, “... Финландия таълим тизими галати... Бу шармандагарчилик”[57]) ҳақида ҳикоя қилинади. Шу билан бирга,

журналистик чиқишларда нима сабабдан улар Россияга қайтмаётгани, бунга нима ҳалақит бераётгани хусусидаги саволлар очиклигича қолган. Умуман, бундай мазмундаги материаллар орқали муштарийлар онгида чет давлатлардаги ҳаёт ҳавас қилгулик эмас, Россияда ҳам яшаш ёмон эмас, деган ғояни сингдиришга ҳаракат қилинган. Ушбу ғоя мақолаларнинг сарлавҳаларида ҳам акс этган: *“Здесь можно сойти с ума от скуки”. Россиянка – о жизни на Кипре*”[58], *“Живу в Мадриде, лечусь в Москве. Россиянка о своем переезде в Испанию*”[59], *“Страна двоечников и безработных. Россиянка о жизни в Италии*”[60], *“Муж бьет, а консул молчит. Как живет славянкам в Турции?”*[61]

Россия интернет нашрларида муҳожирларнинг кундалик маиший ҳаётини экс эттиришда уларни ертўлаларда, бир неча ўнлаб кишилар биргаликда бир хонали уйларда ижарада яшашига урғу берилади ва бу ҳолатга жирканиш билан ёндашилади. Аммо, тадқиқ этилган нашрларнинг биронтасида муҳожирларнинг бундай шароитда яшашига сабаб нима эканлиги (ижара ҳақининг жуда қимматлигими ёки Ўрта осиелик муҳожирларга маҳаллий аҳоли томонидан ижарага уй беришда тўсиқлар мавжудлигими) ёритилмаган. Мавзу талқинига бу каби ёндашув Россия интернет нашрлари меҳнат муҳожирларининг “бегона” сифатидаги образини гавдалантиради деган хулосага олиб келади. Бунинг натижасида муҳожирлар Россия жамиятига, урф-одатларига, динига бегона бўлган, ташқи кўринишидан фарқланувчи, маҳаллий аҳоли хоҳламайдиган паст маошли ишлар билан шуғулланувчи кишилар қиёфасида гавдаланиб, туб аҳолида “бегона” образида тасвирланган кишилардан ҳадиксираш, уларни ўзларидан узоқда тутиш муносабати шаклланади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, пропаганда Россия ОАВга хос бўлган жиҳатлардан бўлиб, у эски, примитив усулда амалга оширилади ва бунда муҳожирларга нисбатан салбий муносабат ёрқин намоён бўлади. Сўнгги ўн йилликда Россия интернет нашрларида эътибор кўпроқ Марказий осиелик муҳожирларга қаратилган, бунга қадар Кавказ халқлари мавзуси трендда бўлган. Ўрганилган нашрлардаги материалларда Марказий осиелик меҳнат муҳожирлари қоқ, безори, жиноятга мойил, иш ўринларини тортиб олувчи образларда тасвирланган, уларга, асосан, хавф сифатида қараш ва бу билан аудиторияни огоҳликка чақириш кайфияти устун туради. Ҳукуматнинг бошқа давлатлар билан муносабати миграция мавзусини ёритишга бевосита таъсир кўрсатади. Муҳожирларнинг эришган ютуқлари, уларнинг мамлакат тараққиётида тутган ўрни ва бошқа ижобий жиҳатлари деярли тилга олинмайди.

Бори ҳам хабар шаклида тақдим этилади. ОАВнинг бундай ёндашуви, мавзуга бефарқ бўлиши ва сукут сақлаши замонавий рус журналистикасининг холислигига путур етказмоқда. Тадқиқ этилган интернет нашрларининг материалларида хиссий-экспрессив, кўплаб ҳолатларда “нафрат” тилидан кенг фойдаланиш кузатилди. ОАВ чиқишларида славян миллатларга мансуб муҳожирларга нисбатан “мигрантофобия” учрамайди, бу эса журналистлар муҳожирларнинг миллатига қараб мавзуга ёндашишини ва уларда этнофобияга чалинганлигини кўрсатади. Ўрганилган нашрлар орасида “aif.ru” миграция мавзусини салбий жиҳатдан ёритаётган бўлса, “iz.ru” - нисбатан нейтрал позицияни, “Lenta.ru” эса нисбатан ижобий ёндашувни намоён этади.

Ўзбекистон интернет ва босма нашрларининг миграция мавзусига эътибори охириги тўрт йил давомида изчил ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим. Бундан аввал мамлакатимиз интернет журналистлари Россия нашрларига мурожаат этиб, улардаги маълумотларни таржима қилган ва асосан ахборот жанрларида тақдим этганлар. Ўша даврда миграция жараёни ва муҳожирлар мавзуси кўпроқ салбий аснода ёритилган, миграция субъектларига нисбатан холис ёндашув ёки хайрихоҳлик муносабати билдирилмаган. Ҳозирда эса “Kun.uz”, “Daryo.uz”, “Qalampir.uz” каби интернет нашрлар муҳожирлар ва миграция масаласини бошқа ОАВга қараганда кенг ёритиб бормоқда. Материалларда мавзунинг турли жиҳатларига мурожаат этиш, уларда таҳлилий ёндашув мавжудлиги ҳамда журналист позицияси ифода этилиши тенденцияси кузатилади. Охириги йили эса ушбу материалларнинг интерактивлигини таъминлашга ҳам диққат қаратилмоқда. Шу билан бирга, анъанавий газеталарнинг интернет саҳифалари миграция мавзусига жуда кам ҳолларда мурожаат этади ва уни юзаки ўрганади. Материалларда эмигрантларга нисбатан хайрихоҳлик билан ёндашилади, лекин муаммони ўрганишда чуқур таҳлил, изланиш ва илмий далиллар етишмайди. Мавзуни ёритишда асосан иқтисодий омилларга эътибор қаратилади. Муҳожирлар мусофирликда дуч келаётган муаммоларнинг ҳуқуқий омиллари сабаб қилиб кўрсатилмайди. Материалларда мутасадди ва экспертларнинг бу борадаги фикрлари ўрганилмаган, уларнинг профессионал эътиборини жалб этувчи ва мунозарали чиқишлар, муҳожирларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тарғиб этувчи материаллар мавжуд эмас. Бу эса муҳожирликда алданиб қолаётган ёки мураккаб ҳаётини вазиятга тушиб қолган кишилар кўпайишига таъсир этади.

Ўзбекистон интернет журналистлари яна миграция натижасида болаларнинг тўлиқ оилада вояга етмаслиги, аёлларнинг “одам савдо”сига тортилиши ва шу каби бошқа долзарб ижтимоий муаммоларни ўрганишга диққат қаратмайди.

Материалларда коррупция, бюрократия ва шу каби бошқа иллатлар миграциянинг, хусусан, “ақллилар” миграциясининг асосий сабабларидан эканлигига ҳам жуда кам эътибор қаратилади.

Кейинги йилларда “Kun.uz”, “Daryo.uz” интернет нашрларида муҳожирлар ҳаётини ёритишда нафақат матндан, балки видеоёзувлардан фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда. Бироқ, газеталарнинг интернет саҳифалари ушбу мавзунини ҳанузгача анъанавий журналистика инструментлари асосида ёритмоқда. Россия ва Ўзбекистон интернет нашрларида ҳолислик тамойилига путур етиши кузатилди. Ҳар икки мамлакат интернет нашрли чиқишларида ҳам муаллифларнинг субъектив қарашлари ва давлатларнинг бу борадаги позицияси сезилиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Владимир Т., Николаева Н., Мякишева С., Хусаинова А. Миграция населения в России: тенденции, проблемы, пути решения. Социальный бюллетень № 11. – М.: Аналитический центр при правительстве Российской Федерации, 2018.
2. Енисеев М. Россияда ўзбек ва тожик мигрантларига нисбатан ксенофобия кучаймоқда // https://central.asia-news.com/uz-Latn/articles/cnmi_ca/features/2018/12/03/feature-01.
3. Гришина А.В. Особенности восприятия образа трудового мигранта в СМИ студентами различной профессиональной направленности. Автореф. дис... канд. псих. наук – Ростов на Дону: ЮФУ, 2011.
4. Аблажей Н.Н. Образ трудового мигранта в прессе и массовом сознании россиян // Ж. Вестник НГУ. Серия: История, филология. – 2012. – №11 (6)..
5. Сараева О.В. Конструирование образа миграции российскими СМИ // Ж. Вестник экономики, права и социологии. – 2011. – № 2.
6. Федоров П.М. Роль интернет-СМИ в формировании социальных установок россиян в отношении мигрантов (по результатам контент-анализа региональных новостных интернет-сайтов) // Ж. Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. – 2014. – 6 (124). –
7. Абакумова И.В., Гришина А.В. Образ мигранта в отечественных СМИ: особенности ценностно-смыслового восприятия в молодежной среде // Ж. Российский психологический . – 2011. - Том 8 № 1.

8. Гудков Л. Динамика ксенофобии в постсоветской России // Вестник Института Кеннана в России. – Москва, 2002. Вып. 1.
9. Харисовна С.З. Феномен миграции в российских СМИ и оценках экспертов // Ж. Политическая экспертиза: Политэкс. – 2008. – № 4/3.
10. Скребцова Т.Г. (Транс) формирование социальных стереотипов в современном российском публичном дискурсе (на примере трудовых мигрантов и беженцев) // Ж. Политическая лингвистика. – 2015. - 1(51).
11. Манапова В.Э. Исламофобия в России и мире как отражение миграционных процессов // Ж. Манускрипт. – 2020. – Том 13. Выпуск 3. – С.113.
12. Р.К. Амиров., З.А. Зарипова. Краткий словарь историко-литературных понятий и терминов по исламу. УФА, 2009. – С. 17.
13. Енисеев М. Российские СМИ сыграли на страхе людей во время пандемии, чтобы спровоцировать враждебное отношение к мигрантам из Центральной Азии // https://central.asia-news.com/ru/articles/cnmi_ca/features/2020/05/04/feature-01.
14. Gabdulhakov R. Russian media discourses on Syrian refugees in Europe and Central Asian labour migrants in Russia: Russia for Russians, Europe for...?: Central Asia Policy briefs. – Norwegia: OSCE Academy, 2016. – № 42.
15. “Aif.ru”, iz.ru”, “nytimes.com”, lenta.ru saytlaridagi mavzuga aloqador materiallar